

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI

PEDAGOGIKA FAKULTETI

TASVIRIY SAN'AT VA MUHANDISLIK GRAFIKASI KAFEDRASI

Kafedrasi talabasi Xolliyev SHerbek

**Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда «Устоз - шогирд» анъаналаридан
фойдаланиш методикаси” мавзусида тайёрлаган курс иши**

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

I. БОБ. “Устоз-шогирд” анъаналарининг мазмуни, моҳияти ва улардан фойдаланишга оид замонавий қарашлар.....

1.1.Кадрлар тайёрлашда “Устоз-шогирд” анъаналаридан фойдаланиш-услубий муаммо сифатида..

II.БОБ. Кадрлар тайёрлашда “Устоз-шогирд” анъаналарининг мазмуни ва улардан фойдаланиш методикаси.....

2.1 “Устоз-шогирд” мутахасис курси ўқув дастурининг илмий-амалий асоси.....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

К И Р И Ш

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини қуриш, аввало, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятига, ақл-заковатига, касб маҳоратига, таълим-тарбия тизимини жаҳон андозалари асосида такомиллаштиришга, кадрлар тайёрлаш жараёнига малакали мутахассис-ўқитувчиларни, моҳир касб усталарини жалб этишга боғлиқ. Янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш вазифаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ баён этилган бўлиб, ҳуқуқий жиҳатдан "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да асослаб берилган.

Юртбошимиз И.А.Каримов "Ўтган давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ана шундай иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўхна қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият қуриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим" деган эди.¹

Янги фуқаролик жамияти қуриш шароитида касб-хунар борасидаги миллий анъаналарни қайта тиклаш, уларни замонавий юксак технологиялар билан уйғунлаштириш, таълимнинг барча бўғинларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш долзарб вазифалардан бири саналади. Зеро, давлатнинг қудрати, унинг моддий ва маънавий тараққиётини илм кишиларисиз, ўз касбининг устаси сифатида эътироф этилган моҳир хунармандларсиз, уларни камол топтирадиган устоз-мураббийларсиз

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: "Маънавият", 2008, 7-8 бетлар. И.Каримов.

тасаввур этиш мумкин эмас.

Юрт такдирига бевосита алоқадор ушбу масалаларни амалда ҳал қилишда қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, бу муаммоларнинг маълум қисми касб усталард ва малакали кадрлар тайёрлайдиган мутахассис устозлар билан шогирдлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга бориб тақалади. Юртбошимиз Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ IX сессиясида таъкидлаганидек, "Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечяпти. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини, кўпинча, яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз"². Ушбу масалани ҳал этиш зарурати олимларга ҳам маълум вазифаларни юклайдики, улар бугунги тараққиёт ва узгаришларга мос ижтимоий муносабатларни, қонуниятларни илмий асосда ўрганишни ҳамда педагогик амалиётда ёшларда касб-хунар малакаларини таркиб топтириш жараёнига жорий этишни тақозо этади.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва олий мактабларда меҳнат қилаётган мутахассис, педагог-устозлар олдига масъулиятли талаблар қўймоқда. Устоз сифатида эътироф этилиши учун, инсон аввало, ўз ихтисослигининг мазмун ва моҳиятини чуқур билиши, уни шогирдларига ўргата олиши, ўзаро муносабатларда қатъий интизомли, оққўнгил ва адолатли эканлигини намойиш қилиши лозим. Устозлик масъулияти билимдонлик, ишлаш услуби, техникаси, фикрлаш тарзи ва тактикасига эга бўлиш билан бирга, бундай фазилатларни ўз шогирдларида шакллантириш маҳоратини ҳам ўз ичига олади. Бу жараён, биринчидан, ижтимоий-психологик нуқтаи назардан мураккаб бўлиб, унинг асосида бир шахсга ёки ижтимоий гуруҳга таъсир кўрсатиш қобилияти, гуруҳ фаолиятини мувофиқлаштира олиш маҳорати, ижтимоий

² Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т., Ўзбекистон, 1998, 96-б.

перцепция қонуниятларига қатъий амал қилиш, шогирдларда ўзига нисбатан ишонч ҳиссини шакллантириши каби ижтимоий-психологик омиллар ётади. Иккинчидан, шогирдлик масъулияти ҳам ижтимоий перцепция, ҳам гуруҳдаги ўзаро ҳамкорликка оид қатор механизмлар асосида содир бўладиги, уларни тушуниш, истиқболдаги ижтимоий ҳуққни башорат қилиш ушбу муносабатлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

1-боб. «Устоз-шогирд одоби» анъаналарининг мазмуни, моҳияти ва

улардан фойдаланишга оид замонавий қарашлар

1.1. Кичик мутахассислар тайёрлашда «Устоз-шогирд одоби» анъаналаридан фойдаланиш-услубий муаммо сифатида

Мустақил Ўзбекистон республикаси таълим-тарбия амалиётида қўлланилаётган ҳамда бахт қомусимизда белгилаб берилган қонунлардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ўқувчиларда ҳар томонлама камолга етган баркамол инсон учун зарур бўлган маънавий қирралари, хусусан: иймон, эътиқод, меҳр, ватанпарварлик, инсонга чексиз муҳаббат, одоб-ахлоқ, сабр-тоқатлилиқ, саҳийлик каби фазилатларни шакллантириш зарур.

"Устоз-шогирд одоби" анъаналаридан фойдаланишга оид замонавий қарашлар дейилганда, аجدодлар томонидан қолдирилган маънавий меросимиз бўлмиш "Устоз-шогирд одоби" анъаналарининг мазмуни ва моҳияти назарда тутилади.

Маълумки, Шарқда азал-азалдан касб-ҳунар улуғланган, устоз-шогирд одоби ва устознинг шогирдга бўлган меҳр-оқибати жуда юқори қўйилган. «Устоз-шогирд одоби» анъаналаридан фойдаланишни ижтимоий-педагогик муаммо сифатида ўрганишдан аввал, унга оид айрим тушунча ва терминларни аниқлаштириб олиш лозим. Хусусан, «устоз», «шогирд», «одоб», «ҳунар», «ҳунарманд» каби терминларнинг изоҳли луғати 1-иловада келтирилади.

Буюк алломаларимиз доимо касбга эга бўлишни, илм олишни, саводли бўлиш кабиларни даъват этиб келганлар. Хусусан, Ҳадису Шарифда қуйидагилар таъкидланган.³

³ Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис II қисм. -Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. -607 б.

- касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарилган иши ва ҳалол меҳнатидир;
- илм ўрганиш ҳар бир мусулмон учун фарздир;
- бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхшидир;
- қайси бир олимнинг илмидан сўралганда қизғаниб гапириб бермаса, қиёматда оғзига ўтдан тизгин солиб қўйилади;
- аввало олим бўл! Илму уламоларни севувчи бўл!;
- садақанинг афзали мусулмон кишининг илм ўрганиб, сўнг бошқа мусулмон биродарларига ҳам ўргатишидир.

Пайғамбар Довуд алайҳиссалом - темирчилик, Арастудан кейинги иккинчи муаллим дея шуҳрат топган қомусий олим Форобий - боғбончилик, шоир Саккокий - пичоқчилик, шоир Завкий эса маҳсидўзлик билан тирикчилик ўтказишган. Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд ҳам ҳунармандчилик билан шуғулланиб, у Туркистонда биринчилардан бўлиб, одамларни ҳунар ўрганишга ва ҳунар билан шуғулланишга чорлаганлар. У қалин ипақли мато-кимхоб тўқиш билан тирикчилик қилар, шогирдларига ҳам ҳунар ўргатар эди. Алишер Навоий «Насоим ул-муҳаббат» да тасаввуф пирлари ва шайхлари ҳақида сўз юритар экан, Ҳожа Абдулла Ансорий - этикдўз, Шайх Абубакр Ҳаббоз - новвой, Шайх Омулий - қассоб, Шайх Ашарий - ғишт терувчи, Шайх Баннон - ҳаммол, Шайх Абухасан - дурадгор бўлганлигини айтади ва қатор мисоллар келтиради.⁴

Маълумки, миллий кадриятларимизда устоз-шогирд одобига алоҳида бир инсоний амал, санъат сифатида қаралган, бу одобларда назарда тутилиши лозим бўлган фазилатлар бир қарашда майда амалларга ўхшаса-да, аслида яхши ҳунар соҳиби бўлишликнинг инсоний шартларидандир. Бу ўғитлар ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотмаган жуда ибратли ва долзарбдир.

⁴ Маллаев Қ.Н. Навоий ижодиётининг халқчил негизи. -Т.: Ўқитувчи, 1980. -132 б.

Шарқнинг буюк алломалари, олимлари, шоирлари ва фозиллари жамият ҳамда илм тараққиётига қанчалик ҳисса қўшган бўлсалар, уларнинг ҳар бири ҳунар ва илм эгаллашда каттанинг, яъни устознинг ўрни, шогирдлик бурчи масалаларини ҳам безътибор қолдирмаганлар. Форс-тожик адабиётининг буюк намоёндаси Рудакий (884-954) кишига биринчи муаллим устоз эканлигини, «Ҳаёт сабоқларин этолмаса ёд, уни ўргатолмас ҳеч қандай устод» деса, Ибн Сино (980-1037) нинг ёшларни ҳунарли бўлишга қорлаган қуйидаги дурдона насихати ибратлидир: «Олтин олмагину ўргангин ҳунар, ҳунарнинг олдида ҳасдир олтин-зар». Шарқ халқларида илм ўргатувчилар ва устозларга нисбатан иззат-ҳурматда бўлиш «фарзандлар онгига сингдирилган. Хусусан, нозиктаб адиб, нуқтадон олим, XV аср маърифатпарварлари дарғаларидан бири бўлган Ҳусайн Воиз Кошифий: "Устоз ва муаллимлар ҳурматини ўрнига қўйган бу дунёда ҳам, охирада ҳам саодат топар",-деб ёзган эди. Унинг фикрича, тўрт нарсаси саодат далилидир: тўғри сўз, тавозеъ, ҳалол касбу ҳунардаги меҳнат, сир сақлаш. Яъни, бирор касбга ўрганиш ёки ҳунарни ўргатиш машаққатли меҳнат эканлиги олим қарашларида марказий ўринда турган.

Абу Райҳон Беруний (978-1048) ҳам мамлакатнинг ободонлигини, кишиларнинг бахт-саодати ва камолотини унинг ҳалол меҳнат қилишида ва касб-ҳунар ўрганишида деб билади.

Берунийнинг «Геодезия», «Минералогия» асарларида ҳам ўзи яшаб турган даврдаги ишлаб чиқаришнинг ривожини ва касб-ҳунарга оид қимматли маълумотлар берилган. Масалан: «Минералогия» асарининг «Темир ҳақида»ги бобида темирни ишлаш усуллари, пўлат ишлаб чиқариш технологияси ҳақидаги маълумотлар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Буюк олим, минералог, физик, кимёгар сифатида моддаларнинг солиштирма оғирликларини деярли ҳозирги ҳисобларга яқин ўлчамда аниқлаган. Бунинг учун у махсус ва хилма-хил қолиплар ясаган.

Абу Райҳон Беруний: "Кишининг энг биринчи ва зарур эҳтиёжи меҳнатдир. Фақат ақл-идрок ва меҳнатнинг жонланишигина кишилар ҳаётини белгилаб беради. Инсоннинг асосий бурчи ва вазифаси-меҳнат қилишдир, чунки исталган нарсага меҳнат сарфлаш орқали эришилади», - дейди.⁵

Беруний меҳнат ва касб-ҳунар кишилар томонидан эркин, яъни ихтиёрий равишда қобилятига қараб танланиши зарурлигини таъкидлаб: «Бировни зўрлик билан ёллаб ишлатиш доимий бўлмайди, тўғри ҳам келавермайди», - деган. Фикримизча, ушбу сатрларда олим мажбурий меҳнатнинг самарасиз ва беқарорлигини кўрсатган. Чунки, эркин, ижодий меҳнат фойдали бўлиши билан бирга, касбни ҳам такомиллаштиради, ҳунармандни улуғликка кўтаради.

Хуллас, Беруний инсоннинг ҳалол меҳнат қилиши ва касб-ҳунар эгаллаши туфайли ақл-заковати, қобиляти, қудрати ошиб боришига ишонади. Бу билан у меҳнатсеварлик ўз касбини ардоқлашдек фазилатларни ғоятда қадрлайди.

XI асрнинг бошларида яшаб, ижод этган машҳур тилшунос олимлардан бири Маҳмуд Қошғарий «Девону луғотит-турк» (Туркий сўзлар девони) асарига кирган қўшиқ ва мақолларида овчилик, чорвачилик, боғдорчилик, деҳқончилик меҳнати ва ҳаётини акс эттиради. Олим бу асаридан жой олган бир қатор мақолаларида меҳнат - инсоннинг яшаш омили ва камолот манбаи эканини таъкидлайди.

Атоқли, маърифатпарвар шоир ва мутафаккир Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» (Саодатга йўлловчи билим) номли асарида шаҳар ва қишлоқ, ўтроқ ва кўчманчи халқларни ижтимоий табақаларга ажратиб, деҳқон, ҳунарманд, чорвадор, олим, табиб ва бошқалар ҳақида сўз юритилади.

Мутафаккир шоир ҳунармандлар ҳақида: «Жуда зарур кишилардир ... темирчи, тикувчи, этикчи, сувчи, тўкувчи, эгарчи, тошчи, ўқчи,

⁵ Абу Райҳон Беруний. Минерология. Изб. соч. -Т.: Фан, 1968. -9 б.

камончиларнинг фойдаси катта... бу дунёда улар яхшилик келтирадилар. Улар жуда кўп, ажойиб нарсаларни ишлайдилар», - дейди.⁶

Юсуф Хос Ҳожиб ўз болаларини фойдали меҳнатга ўргатмаслик, ортиқча эркалатиш оқибатида, уларнинг келгусида нолайик хатти-ҳаракатлар қилишга тўғридан-тўғри айбдор бўладиган ота-оналарни қаттиқ қоралайди. У: «Кимнинг ўғли ёки қизи талтайтириб юборилган бўлса, бунинг учун у охири қаттиқ йиғлайди», - деб таъкидлаб, ҳар бир ота-она ўз фарзандига ёшлигидан ҳунар ўргатиши кераклигини қайта-қайта уқтиради.⁷

XI асрда яшаб ижод этган Кайкавуснинг «Қобуснома» номли асари жаҳон педагогикасида муҳим ўрин тутди. Кайкавус ўз асарида таълим-тарбия ва одоб-ахлоққа оид масалалар ҳақида фикр юритади.

Кайкавус томонидан ёзилган «Қобуснома»да: «Эй фарзанд, огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига нафъ еткурмас. Билурсанки, хори муғилон (тиканли бута) нинг тани бордур, аммо сояси йўқдур. Ҳунарсиз киши ҳам хори муғилон янглиғ на ўзига ва на ўзгага фойда берур», - дейилган.⁸ Эзгулик яратиш учун киши меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий бойлик яратиши зарурлиги уқтирилади.

Кайкавус «Қобуснома»нинг «Ҳунар афзаллиги, баланд қадр ва олий таъб бўлмоқ зикрида» деган бобида фарзандларни меҳнат қилишга ундайди: «Билимни эгалламоқ учун меҳнат қилиш, баданни дангасаликдан қутқариш фойдалидир. Чунки, дангасалик, ишёқмаслик баданнинг бузилишига, касалланишига сабабчи бўлади. Агар меҳнат қилиб баданни ўзингга буйсундирмасанг, соғлом ва баланд мартабали бўла олмайсан ...», - дейди.⁹

Юқорида Шарқ алломаларининг устоз-шогирд одоби ҳамда касб-ҳунарни қадрлашга оид айрим фикрлари келтирилди. Аслида бу таҳлил

⁶ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим). -Т.: Фан, 1971. -661 б.

⁷ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим). -Т.: Фан, 1971. -223 б.

⁸ Кайковус. Қобуснома (Форсчадан М. Ризо Огаҳий тарж). -Т.: Истиқлол, 1994. -41 б.

⁹ Кайковус. Қобуснома (Форсчадан М. Ризо Огаҳий тарж). -Т.: Истиқлол, 1994. -26 б.

яна давом этиши мумкин Зеро, азал-азалдан Шаркда илм ҳам, ҳунар ҳам эъзозланган. Уларнинг ўргатувчиларига чексиз эҳтиромлар билдирилган, яхши ҳунар эгаллаган ёш кадрланиб, унга ғамхўрликлар қилинган.

Буюк алломаларнинг устоз-шогирд одоби тўғрисидаги қарашлари, уларнинг ҳозирги кундаги амалий ва назарий аҳамияти ўз кучини йўқотмаган. Мазкур тадқиқотда масаланинг ана шу хусусиятига эътибор берилди. Жумладан, мавжуд манбалар бўйича илмий таҳлиллар қадимда аجدодларимиз устоз-шогирд одоби асосида ёшларга ҳунар ўргатиш бўйича бой тажрибага эга бўлганликларини кўрсатади. Лекин, кейинги йилларда аجدодларимизнинг бой меросидан ҳамда бу борадаги тажрибаларидан ҳам тўлиқ фойдалана олинмаяпти. Бунинг сабабларидан бири - таълим муассасаларида устоз-шогирд одоби анъаналаридан фойдаланишга эътибор берилмаганлигида.

Бундан ташқари, аجدодларимиз тажрибаси, бевосита «Устоз-шогирд одоби» анъаналаридан фойдаланишнинг моҳияти алоҳида ёритилган адабиётларни ҳам етарли деб бўлмайди. Бундай камчиликлар мавжуд тажрибаларни кенг қўламда ёйишдаги номувофиқликлар умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари, олий ўқув юртлари, шахсий ташаббус билан шогирдга ҳунар ўргатаётган устахоналарда уста ва шогирднинг шарқона одобининг ўргатилмаслиги ўқувчи-ёшлар ахлоқи, маънавияти ҳамда билим даражасининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Маълумки, ўзбек халқ амалий безак санъати қадимийлиги ва бой маданияти билан бутун дунёга машҳурдир. Мамлакатимизнинг ер усти ва тупроқ остидаги қисми ўлкан бир тарихий музейдир. Асрлар давомида орттирилган маданий ва маънавий бойлигимиз, хусусан, ўзбек миллий халқ амалий безак санъатининг энг ривожланган турларидан: ганжкорлик, наққошлик, ёғоч, суяк ўймакорлиги, тоштарошлик, кандакорлик, пичоқчилик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гиламчилик кабиларни ўргатиш, ўрганиш технологияси, усталарнинг ҳақиқий номлари, ўзига хос

мактаблари, яратган услублари шўро тузуми даврида аста-секин йўқолиб кетиш хавфи остида қолди.

Бугунги кунда мустақил мамлакатимизда халқимизнинг асрлар бўйи яратган ижодий меҳнати натижаси бўлмиш амалий безак санъатини кўз қорачиғидек асраш, кадрлаш, улардан амалий фойдаланиш, ёшлар эстетик дидини ўстириш ҳамда юксак маданиятли кишилар қилиб тарбиялаш учун кенг имкониятлар очилди. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Низомий Ганжавий, Хисрав Дехлавий, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби жаҳонга машҳур олим, шоир ва мусаввирларнинг бетакрор маданият дурдоналари, халқ усталари яратган нодир асарлар руҳида ёшларни тарбиялаш, устачилик ва ҳунармандчилик сирларини уларга мерос қолдиришга чақирганлар.

Буюк саркарда, давлат арбоби Амир Темури ҳунар ва илм эгалари, йирик мутахассис олимлар ёрдамига таяниб, математика, геометрия, меъморлик, астронсЗмия, адабиёт, тилшунослик, тарих, мусиқа, тасвирий санъат, хаттотлик каби соҳаларни ривожлантиришга катта аҳамият берди.

Амир Темури ва темурийлар даврида халқ ҳунармандчилиги, қолаверса, маданияти юксак даражада ривож топди. Темурнинг амри билан турли мамлакатлардан усталар, меъморлар олиб келиниб, бетакрор бинолар қурилди ва боғу роғлар барпо этилди.¹⁰

Ёшларни ҳалол меҳнат қилишга, уларни турли касб-ҳунар сирларини мукаммал эгаллашга ўргатиб борилиши халқимиз тараққиёти тарихида, ҳар хил даврларда мутафаккир олимлар, назариётчи ва амалиётчилар томонидан тадқиқ этилиб, фикр ва мулоҳазаларини ўз асарларида баён этганлар.

Ҳозирги даврда ижод этган ва ижод этиб келаётган олимларимиздан профессор С.С.Булатов ўзининг «Ўзбек халқ амалий безак санъати» номли ўқув-методик қўлланмасида ўзбек халқ амалий безак санъатининг кенг

¹⁰ Темур тузуклари. (А. Суғуний ва Х.Караматов тарж. Б. Аҳмедов таҳр.) -Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1996. -344 б.

тарқалган турлари., улар ҳақидаги илмий ва тарихий маълумотлар ҳақида амалий иш усуллари баён этган ҳамда бу санъат турларини ўрганиш ва ўргатишга доир назарий-методик йўл-йўриқлар берилган.

Муаллифнинг олиб борган кузатишлари ва тадқиқотлари асосида ганчкорлик, наққошлик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гилам тўқиш, ёғоч, тош ва суяк ўймакорлиги, кулолчилик, пичокчилик, кигиз босиш, саватчилик, бўйрачилик каби халқ амалий санъати турларининг тарихи, иш жараёнлари ва услублари, жиҳозлар, асбоб-ускуналар, хом ашёлар, уларни тайёрлаш ва ишлатиш ранг-баранг тасвирий лавҳалар мисолида тадқиқ этилади.

2-БОБ. КИЧИК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДА "УСТОЗ-ШОГИРД ОДОБИ" АНЪАНАЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА УЛАРДАН

ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ

2.1. «Устоз-шогирд одоби» махсус курси ўқув дастурининг илмий-амалий асоси

Кишилиқ жамияти пайдо бўлганидан буён аجدодлар томонидан турли ҳаётий тажрибалар жамланиб, бир авлод тажрибасини бошқа авлодга ўргатишга интилиб келинади.

Қадим-қадимдан ота-боболаримиз нафақат меҳнатсевар ва миришкорлиги билан, балки ўзи етиштирган пахтаси, ноз-неъматлари, деҳқончилик маҳсулотлари, яратган гўзал меъморий иншоотлари, ҳунармандчилиги билан ҳам жаҳонга машҳур бўлганлар. Ўзлари яратган маҳсулотларини ўзлари дунё бозорларида сотганлар. Улар халқимизнинг маънавий ва иқтисодий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиб, халқ фаровонлигини таъминлаганлар.

Республика мустақилликка эришгач, ўтмиш аجدодларимиз томонидан яратилган бебаҳо маънавий бойликлар хазинасини, маданий меросларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, келажак авлодга етказишнинг кенг имкониятлари яратилди.

Аяждодларнинг бизга қолдирган бу маънавий хазиналари чексиздир. Буни ҳар бир ҳунармандчилик ва амалий безак санъати намунасида ҳамда қўлёзмаларда кўриш мумкин. Ушбу чексиз маънавий хазиналардан ҳозирда тўла қонли фойдаланишга шарт-шароитлар яратилди.

Бугунги кунда ота-боболаримизнинг «Устоз-шогирд одоби» ҳақидаги маънавий меросидан тўла фойдалана олмаяпмиз. Натижада, касб-ҳунар коллежларида тайёрланаётган кичик мутахассисларнинг шахсий ва касбий фазилатлари етарли даражада шаклланаяпти дея олмаймиз.

Халқ анъаналари, урф-одатларини тиклашдан мақсад, замонавий маданият ва одоб-ахлоқни ривожлантириш, халқнинг кўп асрлик маънавий тажрибасини ўрганиш ва уни ёшларга ўргатиш ҳамда келгуси авлодга етказишдан иборат. Шу мақсадда биз томонимиздан "Устоз-шогирд одоби" махсус курси дастури ишлаб чиқилди. Мазкур «Устоз-шогирд одоби» анъаналари махсус курсининг мақсади, аждодлар мерос қилиб қолдирган маънавий меросидан ижодий фойдаланган ҳолда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган юқори малакали кичик мутахассислар тайёрлаш имкониятини очиб беришдан иборатдир.

Ушбу дастур тарихий манбалар ва узоқ йиллик моҳир устозлар тажрибаларига асосланиб тузилди. Дастурни тузишда олиб борилган тадқиқотлар натижалари заминда, яъни ўрта асрда яратилган ҳунармандчилик низомларидан ижодий фойдаланилди. Шунингдек, устоз-шогирд одоби қоидалари; шахсий, касбий фазилатлар; устоз ўз шогирдининг ота-оналарига ва ота-оналарнинг устозга бўлган муносабати каби мавзулар соддадан-мураккабга узвий боғланиб борилган.

Маълумки амалий безак санъати йўналишидаги касб-ҳунар коллежларида махсус фанлар билан бир қаторда умумтаълим фанлари ҳам ўқитилади. ТТТУ боис,

3-чизмада таълим муассасасида умумтаълим фанлари, амалий безак санъатига оид ўрганилаётган касблар ҳамда ўқув-тарбиявий тадбирларнинг ўзаро бир-бири билан алоқадорликда бўлиши кўрсатилган. Унда ўқувчи таълим муассасасида умумтаълим фанлари ва амалий безак санъатига оид* касбий фанларни ўрганадилар. Уқувчилар томонидан ўрганилган билим ва кўникмалар турли мавзуларда ўтказиладиган ўқув-тарбиявий тадбирлар жараёнида мустаҳкамланади.

**«Устоз-шогирд одоби» махсус курсининг ўқув фанлари,
амалий безак санъати ва ўқув-тарбиявий тадбирлар билан
ўзаро боғлиқлиги**

«Устоз-шогирд одоби» курсига қўйилган ўқув-тарбиявий масалаларни ижодий ҳал қилишда ўқув-тарбиявий тадбирлар муҳим ўрин тутadi. Улар қуйидагилардан иборат: аجدодлар қолдирган маънавий мерослар, яъни миллий меъморчилик обидаларига амалий безак санъати, тасвирий санъат, халқ ҳунармандларининг «Усто» ва «Мусаввир» устахоналарига саёҳат қилиш; машҳур наққошларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган учрашувлар ташкил этиш; ўқувчилар ўртасида турли мавзуда танлов ва мусобақалар ўтказиш; амалий безак санъати турлари, усталари, чет эл ҳунармандлари ҳақида видеофильмлар намоиш этиш; нақш композициялари ва буюм эскизларини компьютерда, яъни рангли чизма кўринишида бажариш; мутахассислик фанлари бўйича тўғараклар ташкил этиш ҳамда ташкил этиладиган тарбиявий тадбирларнинг режа асосида олиб борилишини назорат қилиш.

«Устоз-шогирд одоби» махсус курси 18 соатга мўлжалланган бўлиб, у назарий ва амалий машғулотлардан иборат. Махсус курс мавзусининг мазмуни Ҳусайн Воиз Кошифийнинг¹¹ ғоясидан фойдаланилган ҳолда тузилди. Ушбу ғоянинг мақсади бизга қолдирилган маънавий меросдан кенг ва ижодий фойдаланган ҳолда юксак маънавий, ахлоқий фазилатларга эга бўлган юқори малакали кичик мутахассислар тайёрлаш имкониятларини очиб беришдан иборатдир.

Дарсларнинг самарадорлигини оширишда ахборот технологиялари, халқ оғзаки ижоди, уста ва шогирд одоби анъаналари, ўқитиш тамойиллари, шакллари, методлари ва воситаларидан фойдаланиш лозим. Булар бўлажак рақобатбардош наққош, рассом каби мутахассисларни тайёрлашда муҳим ўрин эгаллайди.

«Устоз-шогирд одоби» махсус курсини олиб борувчи ўқитувчи-мураббий касб-ҳунар коллежларининг моддий ва маънавий шароитидан келиб чиқиб, дастурга тегишли ўзгартиришлар ҳам киритишлари мумкин.¹²

¹¹ Ҳусайн Воиз Кошифий. Фугтуватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати (Панднома). -Т.: Халқ мероси, 1994. -112 б.

¹² Юлдашев Х.А. Устоз ва шогирд одоби. Махсус курсдан ўқув дастури. -Т.: УМКХТРИ,

Қуйидаги 1-жадвалда биз томонимиздан тайёрланган «Устоз-шогирд одоби» махсус курси бўйича тақвим режалар келтирилган.

1-

**жадвал «Устоз-шогирд одоби» махсус курсини ўрганиш
бўйича намунавий мавзулар режаси (соат ҳисобида)**

№	Мавзулар	Машғулот	
		назарий	амалий
1.	Марказий Осиё ҳунармандчилигини ривожлантиришда уста ва шогирд одобининг шаклланиши	1	
2.	Ҳунармандчилик пирлари ва шогирд тушиш одоби	1	
3.	Шогирд одоби		
3.1.	Шогирднинг одоб қоидаси	1	1
3.2.	Шогирднинг устоз олдидаги бурч ва вазифалари	1	
3.3.	Шогирднинг энг яхши хусусиятлари	1	
3.4.	Шогирд руҳий оламининг муҳим замини	1	
**_	Шогирдларнинг бир-бирларига бўлган муносабат одоби	1	
3.5			
4.	Устоз одоби		
4.1.	Устознинг шахсий ва касбий фазилатлари	1	1
4.2.	Устоз ўз шогирдларининг ота-онасига бўлган муносабати. Ота-онанинг устозга бўлган муносабати	1	
5.	Ҳунарманд одоби		
5.1.	Ҳунарманднинг одоб қоидаси ва касб маданияти	1	1
5.2.	Ҳунарманд ҳоли бўлиши лозим бўлган салбий хусусиятлар		1
5.3.	Ҳунарманд ва харидор ўртасидаги муносабатлар одоби		1
5.4.	«Уста» деган номни олишнинг одоб қоидалари	1	1
6.	Ўқув-тарбиявий тадбирлар	1	
«г	Жами:	12	6

Ушбу «Устоз-шогирд одоби» махсус курси бўйича дастур мазмунини қуйидагилар ташкил этади:

1. Марказий Осиё ҳунармандчилигини ривожлантиришда уста ва шогирд одобининг шаклланиши

Ҳунармандчилик ва унинг турлари. Ҳунармандчиликнинг ривожланиш тарихи. Ҳунармандчилик маҳаллалари. Уста ва шогирд одоби

шаклланишида устоз-шогирд маънавиятининг тараққий этиши. Ҳозирда, касб-ҳунар коллежларида ҳунар ўргатилиши. Ҳунар ўргатишда устоз-шогирд одобининг ўргатилиш аҳволи ва юзага келган муаммоларни бартараф этиш йўллари.

1. Ҳунармандчилик пирлари ва шогирд тушиш одоби

Ҳунармандчилик пирлари. Пирлар ҳақида афсона ва ривоятлар. «Арвоҳ пир» удумларининг-ўтказилиши. Шогирд тушиш одоби. Ота-оналар ўз фарзандларини устозга шогирдликка беришнинг ўзига хос жиҳатлари. «Эти сизники, суяги бизники» анъанасидаги одоб асослари.

3. Устоз-шогирд одоби

3.1. Шогирднинг одоб қондаси. Шогирд ўз касбини севиши, ўз ишига эътиқод қўйиши ва ўта ишониши. Устоз олдида ҳокисор бўлиши. Кўриш лозим бўлмаган ҳамма нарсалардан нигоҳини олиб қочиши. Эшитиш мумкин бўлмаган барча нарсаларга қулоқ солмаслиги. Нолойиқ ишлар қилмаслиги. Устозга зид бўлган кишилар билан муомала қилмаслиги.

3.2. Шогирднинг устоз олдидаги бурч ва вазифалари. Устозга итоатли бўлиши ва устоз анъаналарини давом эттириши. Устознинг унга панду насихатлари. Сабр-тоқатли ва иродалилиги. Устознинг юзини ерга қаратмаслиги, унинг обрўсини кўтариши. Устознинг шаънига илиқ сўзлар олиб келиши. Устознинг душмани билан дўст тутинмаслиги. Устознинг оила аъзоларини ҳурмат қилиши. Устознинг қариндош-уруғларини ҳурмат қилиши. Устознинг рухсатисиз ҳеч нарсага қўл теккизмаслиги. Бировнинг нарсасига кўз олайтирмаслиги. Устозга чексиз ҳурмат билан муносабатда бўлиши.

3.3. Шогирднинг энг яхши хусусиятлари. Устоз қабулига кирганда ёки устозни кўрганида биринчи бўлиб салом бериши. Устознинг олдида оз гапириши ва бошини ерга эгиб туриши, кўзни ҳар томонга югуртирмаслиги. Агар маслаҳат сўрамоқчи бўлса, олдин устоздан ижозат олиши. Устоз жавоб айтганда эътироз билдирмаслиги. Устоз олдида бошқаларни ғийбат қилмаслиги. Утириб-туриш одобини тўлиқ сақлаши.

3.4. Шогирд руҳий оламининг муҳим замини. Шогирд руҳий оламининг муҳим заминларининг асослари: ватанпарварлик, ўртоқлик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжихатлилиқ, садоқат, меҳр-мурувват, касб танлаш имконияти, миллий ифтихор, инсонпарварлик, хушмуомалалиқ, озодалиқ, покизалиқ, самимийлик, зийраклик, ташаббускорлик, инсофлиқ, ростгўйлик, ор-номуслиқ, андишалиқ, катталарни ҳурмат қилиш, соф муҳаббатни қадрлаш, вазминлик, тўғрилиқ, миллатларни ҳурмат қилиш, ота-онасини ҳурмат қилиш.

3.5. Шогирдларнинг бир-бирига бўлган муносабат одоби. Шогирдларнинг бир-бирига бўлган муносабатидаги ижобий ва салбий ҳолатлар. Узаро кўркем ҳуқ билан самимий муносабатда бўлиш. Интизомли бўлиш. Бир-бирининг айбини инкор қилмаслиқ. Эринчоқ ва ялқов бўлмаслиқ. Дўстларининг омонатиға хиёнат қилмаслиқ, зиён-заҳмат етказмаслиқ. Мунофиқ ва риёкор бўлмаслиқ, адоват, ҳасад, ғийбат, иғво қилмаслиқ, ёлғон сўзламаслиқ, дўстини алдамаслиқ, бир-бириға ёрдам бериш. Дўстининг муваффақиятидан қувониш.

**Касб-ҳунар коллежи ўқитувчи-
мураббийларининг шахсий ва касбий
фазилатлари мезони**

Ҳар бир шогирд ҳунар ўрганиш билан бирға ота-онаси ва устозининг ҳурматиға жойиға қўйиб эъозласа обрўсига обрў қўшилади, кам бўлмайди. Баъзида шогирдлар ҳунарни пухта ўрганиб олдим деб, кеккайиб ёки устозлар билан маслаҳатлашмасдан, «ўзлари хон-қўланкаси майдон» бўлиб кўп пул топишға тушиб кетадилар. Кейинчалиқ улар сифатсиз ишлар қилиб, ўз одамгарчилиқларини йўқотиб, қоқилиб пушаймон бўладилар. Шу ҳақида Уста Маҳмуд Усмон ўзининг «Санъатим - саодатим» номли китобида шундай дейди: «...мен қўлидан иш келадиган

чапдаст шогирдларимни танлаб, оқ фотиҳа бериб, алоҳида гуруҳ (бригада) килиб чиқардим. Улар катта-катта, масъулиятли буюртмаларни бажариб келмоқдалар. Билмаганларини сўрашади, ёрдам қўлини чўзаман. Ҳарқалай баҳамжиҳатлик яхши. Мутахассислар республикадаги ганч ўймакорлиги ишлари айрим пайтларда пала-партиш, уқувсизлик билан бажарилаётганлигига тўғри эътироз билдиришмоқда. Бунга тамоман қўшиламан. Сабаби, жойларда пул дардида ишлаб юрган қўлбола усталар кўпайиб бормоқда. Ганчкорликдан чалакам-чатти хабардор бўлган «усталар» ўзларича гуруҳ тузиб буюртмалар олишмоқда. Мўмай даромадни тезроқ ундириш учун ишни "гўлайсин-дўлайсин" килиб ўзларича «дўндириб» бажаришмоқда. Бундай уста кўрмаган шогирдлар ганчкорликнинг мураккаб қонун-қоидасини билмаганликлари туфайли ҳар мақомда йўрғалаб санъатни қадрсизлантirmoқдалар».¹³

Устоз касб ўрганишга келган ёшни ўз ўғли қаторида кўриши, шогирд эса, устозни- ўз отаси ўрнида кўриши керак. Зеро, халқимизда "Устоз отангдек улуғ" деган мақол бор. Донишмандларимиздан Фаҳриддин Расул ўзининг "Ахлоқнома" рисоласида устоз ҳақида шундай дейди. "Устозни ранжитмоқ ота-онани ранжитмоқдек зўр гуноҳ. Дунёга келтирган, едирган, кийдирган ҳамда вояга етказган ота-она моддий ота-онадир. Уқитган, ҳунар ўргатган, фан-ҳунар чўққиларига етаклаб, кўп заҳматлар оқибатида сенинг камол топишингга сабабчи бўлган устозлар маънавий ота-онадир. Илм, касб ўрганиш халқ иборасида "игна билан қудуқ қазиш" кабидир. Бу йўлда сенга раҳнамо бўлган устозларинг олдидаумр бўйи қарздорсан",- дейдилар.¹⁴

Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида республика касб-ҳунар коллежлари таълим мазмунини такомиллаштириш борасида қуйидагилар амалга оширилди:

- Касб-ҳунар коллежларида "Устоз-шогирд одоби" анъаналаридан фойдаланишга махсус курс ўқув дастури ишлаб

¹³ Усмонов М. Санъатим-саодатим. -Т.: Ёш гвардия, 1983. -80 б.

¹⁴ Фаҳриддин Расул. Ахлоқнома. -Т.: Фан, 1997. -268 б.

чиқилди ва унинг мазмуни келтирилди;

- "Устоз-шогирд одоби" махсус курси машғулотларини ўтказиш бўйича дарс ишланмалари ва унга оид айрим методик тавсиялар берилди;
- Касб-хунар коллежи махсус фан ўқитувчиларининг шахсий ва касбий фазилятлари мезонлари аниқланди.

2.2. Касб-хунар ўрганиш жараёнида «Устоз-шогирд одоби» анъаналаридан фойдаланишнинг шакли, восита ва методлари

Ўзбекистон Республикаси порлоқ истиқбол сари босқичма-босқич дадил қадам ташлаб бораётган бугунги кунда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш жуда ҳам муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Юртбошимиз Ислом Абдуганиевич Каримовнинг бевосита ташаббуси билан кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва маънавият тарбияси масалаларида кўплаб тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, Президентимизнинг 1996 йил 9 сентябрда қабул қилинган «Маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармони ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялашда жиддий бурилиш бўлди, дейишимиз мумкин.

Табиийки, жамият тараққиёти ва шахс камолоти учун зарур бўлган маънавий-ахлоқий тарбия заминидан Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифлар ва Шарқу Ғарбда қомусий олимлар сифатида шуҳрат қозонган буюк мутафаккирларнинг маънавий мероси ётади. Зеро, дунё халқлари маданияти тарихида ҳеч қайси миллат бизлардек бой маънавият яратган эмас. Яқин вақтларгача «барча фанларнинг асосини юнонлар яратган», дейиш, илмий адабиётларда одат тусига кирган эди. Аслида, юнонлар илм-фаннинг пойдеворини яратганлар. Шахснинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишишини таъминлашда маърифат ғояси етакчи эканлигини

кадимий аждодлар, яъни зардўштийларнинг мақаддас китоби бўлмиш «Оқистон»да («Авесто») келтирилган тарихан инсон онги, илми ва маданиятини оширишга қаратилган фикрлар тасдиқлайди. Дарҳақиқат, энг кадимги давр ва ўрта аср Шарқ маърифий фикр тараққиётида маърифат етакчи ғоялардан бири бўлиб, у маънавий-рухий жараён сифатида ислом дини ақидалари билан уйғунлашиб, инсонни маънавий-ахлоқий баркамолликка ундади ва мутафаккирларнинг дунёқарашларига ҳам таъсир кўрсатди.

Бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда бўлиб ўтган IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» да муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар узлуксиз таълим-тарбия тизими вазифаларини амалга оширишда ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланди. Ёшларда инсонпарварлик, ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда асрлар давомида тўпланган маънавий хазиналарни уларга таълим ва тарбия жараёнида бериш лозим. Аждодлар қолдирган маънавий хазиналардан бири — бу халқ оғзаки ижодидир.

Уқувчиларни «Устоз-шогирд одоби» анъаналари асосида шакллантириш учун халқ оғзаки ижодининг ўрни бекиёсдир. Касб-хунар коллежларида «Устоз-шогирд одоби» анъаналарини ўқувчилар онгига сингдириш учун халқ оғзаки ижоди (ривоят, мақол, ҳикмат, ҳикоя, достон каби) намуналаридан фойдаланилади. Мазкур фойдаланиш, албатта, дарс ҳамда ўқув-тарбиявий тадбирлар жараёнида амалга оширилади. Бу жараёнда таълим восита (миллий ва умуминсоний қадриятлар, оила, маҳалла, ўқув-тарбия жараёни каби) лари, шакл (*ташиқилий шаклга кўра*; якка ҳолда, жуфтликда, гуруҳларда, гуруҳлараро; *машигулот ўтказилиш жойига кўра*; ўқув хонасида, ўқув хонасидан ташқарида; *машигулотнинг ўтказилиш вақтига кўра*: қўшма, қўнғироқсиз) лари ва метод (ўғит, насихат, маъруза, тушунтириш каби) ларидан унумли фойдаланилсагина ўқувчилар етук, шаклланган ҳамда талабларга жавоб берадиган мукаммал кичик мутахассис бўлиб етишадилар (5-чизма).

Халқ оғзаки ижодининг қадимий жанрларидан бири - ҳаёт ҳақиқатидан хабар берувчи ҳаёлий *афсоналардир*. Улар кишиларни келажакка ишонч, инсонларга ҳурмат руҳида тарбиялайди. Ривоятлар эса, мавжуд ҳаётӣ маълумотларга таянган ҳолда, тўқималар воситасида инсоний қадриятлар, инсоннинг эзгу, орзу-умидлари, армонлари, қувончлари, ғам-ғуссалари, эҳтиросларини акс эттиради. Ривоятлар негизида тарихий шахслар ҳаёти, фаолияти, маънавий хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар ва турар жойларни ўрганиш билан боғлиқ фактлар ётади.

Қандай жанрда бўлишидан қатъи назар, халқ эртаклари мажозий ҳоҳ сеҳрли, ҳоҳ маиший бўлмасин ҳаммасида ёвузликдан яхшиликнинг устуворлиги, инсон эзгуликка интилиши ҳақида сўз боради. Ҳамма эртакларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик сотқинликка, разолатга қарама-қарши ўлароқ доимо ғалаба қилади.

Достонлар эса, халқ маънавий қадриятларини мужассамлаштирган оғзаки ижод жанрларидан бири ҳисобланади. Унда мусиқа ва шеърят уйғунлашган. Достонларнинг ғоявий ва маърифий аҳамияти шундаки, уларда юксак гўзалликка ва бахт-саодатга эришишнинг бирдан-бир йўли мақсадларга қатъий интилиш, сабр-чидам, матонат, мардлик, қаҳрамонлик кўрсатишдан иборатдир деган ғоя илгари сурилади.

Латифалар. Унинг заминида тарихий воқеалар, маиший ҳодисалар ётади. Зийраклик, ўтқир, ҳозиржавоблик ҳажм жиҳатидан ихчам ва мазмунан бой бўлади. Латифаларнинг асосий қаҳрамони Насриддин қиёфаси орқали нодонлик, беақлик, иккиюзламачилик, фирибгарлик, мунофиқлик, очкўзлик, айёрлик, ишёқмаслик каби инсоний маънавиятга зид иллатлар қораланади, меҳмондўзлик, ҳиммат, меҳр-оқибат, саҳийлик, илмийлик, инсонпарварлик каби юксак қадриятлар улуғланади.

Аскиянинг негизида миллий, ахлоқий одоб мезонига зид алдамчилик, ишонмаслик, иккиюзламачилик, ахлоқсизлик каби

сифатларга қарши меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, маънавий поклик каби кадриятлар, тўй маросимлари, кўни-кўшничилик удумлари ва бошқалар тарғиб этилади, яъни: халқ оғзаки ижодининг мазмуни миллий асосга эга ва у таълим-тарбиянинг

Ўқув-тарбиявий тадбирлар орқали «Устоз-шогирд одоби» анъаналаридан фойдаланиш методикаси

Якуний босқичда, яъни саёҳатдан сўнг ҳар бир ўқувчи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади. (Ушбу баҳолаш мезонлари олдиндан эълонлар доскасида ёки синф фаоллари томонидан ўқувчиларга эълон қилиниши мумкин). Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда қуйидагиларга аҳамият берилади ва баҳоланади:

1. Саёҳатга тайёргарлик кўриш, бунда ўқувчиларнинг қандай даражада

тайёргарлик кўрганлиги, яъни ҳар бир ўқувчида барча ўқув қуролларининг борлиги ҳамда тоза ва ихчам қийиниши.

2. Саёҳат давомида ўқувчилар ўзларини одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилган ҳолда тутиши зарур. Яъни ортиқча ўзаро савол-жавоб қилмаслик, муомала маданиятига амал қилиш, ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш, ўқитувчи гапига қулоқ солиш ва ҳ.к.

3. Ёзма ишга баҳо қўйиш. Бунда, албатта, режа тузилиб, у асосий ва хулоса қисмларига бўлиниб ёзилади, мазмуни баҳоланади.

Ўқитувчи ўқувчилар ҳамкорлигида шу уч мезон асосида баҳоланади. Ҳар бир ёзма ишга ўрта (3), яхши (4) ва аъло (5) баҳолар қўйилади ва ўқувчиларга эълон қилинади.

Ўқитувчи ўқувчиларга қандай саволлар беришини олдиндан тузиб олиши керак. Масалан:

1. Сиз устанинг қандай наққошлик намунасини кўриб турибсиз?
2. Нима учун ушбу кўрсатилаётган намоён шундай номланган?
3. Деворнинг пастки қисмида қандай элементлардан фойдаланилган?

4. Ушбу асар композициявий жиҳатдан қандай тузилган?
5. Наққош устанинг қайси меъморчилик обидаларида бўлгансиз?
6. Безак ишларида неча хил пардоз турларидан фойдаланилган?
7. Устазоданинг устози ва шогирдларидан кимларни биласиз?
8. Устанинг асарлари бошқа усталарнинг ишларидан қайси томонлари билан фарқ қилади ва ҳоказолар.

Ўқитувчи ўқувчилар билан музейга борганида, уларга тартиб-интизом сақлашлари ва баъзи қоидаларни айтиб, огоҳлантириб қўйиши керак.

Ўқитувчи ёки таклиф этилган махсус саёҳат раҳбари ўқувчиларга бир бошидан усталарнинг иш услуби, композициявий тузилиши, агар намоён бўлса, намоён ҳақида, уларнинг номлари ва турлари, муносабатлар (тўрт томонига такрорланувчи нақш композицияси) ҳақида дарсда айтилган сўзларни амалда кўргазмали ҳолда тушунтириши керак.

Ўқувчилар, аввал яхшилаб томоша қилиб, сўнгра ўзларига маъқул бўлган ишлардан намуналар кўчирадилар. Баъзилари фотосуратлар ва видеофильмларга олишади. Бу ишларни бажаришда, намуна танлашда тўғарак раҳбари ҳар бир ўқувчига алоҳида эътибор билан, нима сабабдан айнан шу намуна танланаётгани ҳақида, сўраб олинса, жуда яхши бўлади. Булардан ташқари баъзи тузилган саволларни ўқувчилар ўзлари алоҳида савол-жавоб қилиши мумкин.

Яқунловчи суҳбат жараёнида ўқувчилар ўзаро бир-бирларининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида фикр билдирадилар ва улардан тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қиладилар. Шу ўринда саёҳат раҳбари яқунловчи суҳбатда ўқувчилар билан савол-жавоблар ўтказади. Олинган таассуротлар асосида ҳар бир ўқувчидан нима учун шу композиция тайёрланганлиги, унда нималар акс эттирилиши кераклиги ҳақида сўраб, аниқланади. Шунингдек, саёҳат таассуротидан олинган фотосуратларни махсус фотоальбомларга ва видеокассеталарнинг махсус картатекаларига

солиб қўйиш ҳамда фотосуратлардан деворий газеталар чиқариш мумкин.

Ўқувчилар бошқа касб-хунар коллежларига саёҳат қилишганида, у ерда қилинаётган ишлар билан танишадилар ҳамда ишлари кўргазмага қўйилган ўқувчилар билан савол-жавоблар ўтказадилар. Баъзи нақшларни фото ва видеофильмларга оладилар. Шулар асосида саёҳатдан кейин ўқувчиларда қандай таассуротлар қолдирилганлиги, айниқса қайси ишлар ёққанлиги тўғрисида савол-жавоблар ўтказилади.

Ўқувчиларнинг табиат қўйнига саёҳат қилишлари энг яхши саёҳатлардан бири ҳисобланади. Бу саёҳатнинг мақсади ўқувчиларни табиат қўйнидаги гўзалликларни сеза билиши, улардан баҳра олиши, билиш қобилиятини ўстириши ва эстетик дидини тарбиялашдан иборатдир. Хусусан, уларнинг табиат ва ҳаётга бўлган муҳаббатини ошириш, дунёқарашини шакллантириш, машғулот ва дарс вақтида олган билимларини тўлдириб боришдир. Бу саёҳат амалий безак санъати соҳаларини ўрганувчилар учун зарурдир. Масалан, ганч, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги каби дарсларда нақш элементларини қаламда чизиш мавзусини бошлашдан аввал, уларни табиат қўйнига олиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи табиатнинг ўзига хос гўзаллиги ҳар бир инсонга чуқур таъсир этиши, яъни санъаткорга мусиқа орқали, рассомга ранглар орқали, раққосага гўзал ҳаракатлар орқали намоён бўлгани каби, ўймакорликда бадий чизма ва ўймалари билан тасвирлаш лозимлиги тўғрисида сўзлаб беради. Чунончи, ганчкор, наққош, ёғоч ўймакор ва бошқалар табиатдаги гул, новда, барг шохчаларини жонли чизиқ ўймаларида тасвирлаб келган. Табиатдаги ҳар бир гул, барг, новда ўзига хос тузилганлиги ўқувчиларга кўрсатиб тушунтирилиши керак. Ҳар бир баргни, гулни, новдаларни чизиш қоидаларини наққошлар табиатдан олинганлигини тушунтириш лозим. Шунинг учун ҳам, уларга нақшни чизиш геометриясини билиш кераклиги тушунтирилади. Ҳар бир уста табиатдаги ўсимликларнинг тузилиши ва шаклини жонли чизиқлар

орқали тасвирламай туриб, безаш ишларини бажара олмайди. Шу тариқа улар гул ва шохлардан бир нечтасини олиб, гербарий тайёрлаши ҳам мумкин. Ўқувчилар гул, барг, шохчаларнинг расмини каламда чизадилар. Бу чизиш уларга гул, барг ва новдаларнинг тузилишини ўрганишда катта ёрдам беради. Баъзи гул, барг ва новдаларнинг фотосуратини, рангли расмини видеофильмларга олиб, кўргазмали қуроллар ҳам тайёрлаш мумкин.

Ўқувчиларни кўргазмаларга олиб бориш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бу тадбирдан мақсад амалий безак санъати турлари ҳақидаги дунёқарашларини кенгайтириш, санъат турларини фарқлай олиш, усталарнинг асарлари билан танишиш орқали ижодий қобилиятларини ҳамда билим ва малакаларини шакллантиришдан иборатдир. Ўқувчилар турли хил тарихий тамойиллар, яъни кўргазмага қўйилган баъзи асарлар муаллифи билан учрашиб суҳбатлар ўтказадилар ва фикр алмашинадилар ҳамда савол-жавоблар қиладилар.

Хулосалар

Узлуксиз таълим-тарбия тизимининг асосий бўғини ҳисобланган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида «Устоз-шогирд одоби» анъаналаридан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича қуйидагилар тавсия этилади:

1. Кичик мутахассисларни ҳаётга ва касб-ҳунарга тайёрлашда амалий безак санъатӣ соҳаларини ўрганиш, ўргатиш, бажариш жараёнида «Устоз-шогирд одоби» анъаналаридан фойдаланиш - педагогик жараённинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Бунинг учун «Устоз-шогирд одоби» анъаналаридан фойдаланишни нгундай ташкил этиш лозимки, уни ўқув режаларига таянган ҳолда, доимий равишда ҳамда ҳозирги замон руҳида такомиллаштириш.

2. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ўқувчиларнинг меҳнат муҳофазаси, бандлик хизмати ва ишлаб чиқаришда қатнашишининг турли шакл ва кўринишларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш

технологиясини яратишни республика педагог-олимлари ва амалиётчи методистларининг муҳим вазифаларидан ҳисоблаш.

3. «Устоз-шогирд одоби» анъаналаридан фойдаланишда педагогик назоратнинг муҳим қисмлари, яъни шахсий фазилатлар, амалий кўникмалар, ишлаб чиқариш малакалари, меҳнат ҳаракатлари кабиларга оид педагогик назорат шакли бўйича мезонлар ишлаб чиқиш.

4. Тадқиқот жараёнида аждодлар маънавий мероси бўлмиш "Устоз-шогирд одоби" анъаналаридан фойдаланишнинг илмий-методик асослари аниқланиб, унинг фаолияти ўрганилди ва таҳлил қилинди. "Устоз-шогирд одоби" анъаналаридан фойдаланиш махсус курси ўқув дастури ишлаб чиқилди ҳамда амалий-методик жиҳатдан педагогик жараёнда қўллаш методикаси ёритилди. Келгусидаги вазифа нафақат кичик мутахассислар тайёрлаш, балки узлуксиз таълим-тарбия тизимининг бошқа бўғинларида ҳам юқорида таъкидланган методикалар ишлаб чиқилиши лозим.

Демак, кичик мутахассислар тайёрлашда «Устоз-шогирд одоби» анъаналаридан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишни такомиллаштириш ва ривожлантиришда педагог, психолог, ўқитувчи, мураббий, ташкилотчи, тарбиячи, назариётчи ва амалиётчилар билан бирга ишлаб чиқариш, давлат, хусусий корхона жамоалари, ота-оналар, маҳалла фуқаролари ва кенг жамоатчилик фаоллари қатнашишлари лозим. Шунингдек, улар ёшларнинг таълим-тарбиясига масъул бўлган барча кишилар билан баргаликда «Устоз-шогирд одоби» анъаналаридан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишни режа асосида тартибли, ҳамкорликда амалга оширсалар янада самаралироқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1992. - 46 б.
2. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиёти пойдевори. -Т.: Шарқ, 1997. -64 б.
3. Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси. -Т. :Ўзбекистон, 1993. - 109 б.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2001.-80 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. -686 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. —Т.: «Маънавият», 2008.- 176 б.
7. Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик.-Т.:Ўзбекистон, 1993. -48 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -112 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон, 1995. -95 б.
10. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Т.: Халқ мероси, 1993. -224 б.
11. Абу Райҳон Беруний. Минерология. Изб. соч. -Т.: Фан, 1968. -68 б.
12. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. - Т.: 1968. -486 б.
13. Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис II қисм. -Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. -607 б.
14. Абдукудусов О. Совершенствование методики обучения предмету

«Сельскохозяйственные машини» в СПТУ (на примере подготовки механизаторов для хлопкосеющих районов стран). Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. -Казань, 1987. -18 с.

15. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: Ўзбекистон, 1992. - 16 б.
16. Алпомиш. Рустамхон. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.-39 б.